

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ТЕСТ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Икрамжон Исмаилов

Наманган муҳандислик-технология институти

“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

93-9164242, ikismoilov@yandex.ru

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб республикада ва унинг вилоятларидаги ҳудудий олий таълим муассасалари фаолиятини тубдан замон талаблари ва халқаро меъёрларга мос равишда такомиллаштириш борасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотларнинг дастлабкиларидан бири бу олий таълим муассасаларига абитурентларни ўқишга қабул қилишда тест синовини жорий қилиниши бўлди. Агар халқаро тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, дунёнинг ривожланган давлатларида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш турли шаклда бўлиб, баъзи давлатларда ўрта мактабдаги олган баҳоси инobatга олиниб ўқишга қабул қилинса, баъзиларида тест имтоҳонлари орқали ёшлар олий таълимга ўқишга қабул қилинади. Умуман олганда ҳар қандай таълим босқичларида ёшларнинг билимига тест усулида баҳо бериш амалиёти ривожланган давлатлар тажрибасида кенг қўлланилмоқда. Шундан келиб чиқиб республикада халқаро тажриба ва амалиётни ўрганган ҳолда олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имтиҳонларини мустақилликдан олдинги даврда мавжуд бўлган оғзаки, ёзма шаклдаги имтиҳонлар ўрнига мутахассислик учун талаб қилинаётган фанлар бўйича тест шаклдаги имтиҳон орқали ўқишга қабул қилиш амалиёти жорий қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилиш бўйича экспериментни ташкил этиш ва ўтказиш

тўғрисида”ги 181-сонли Қарори¹ қабул қилинди. Бу қарорга асосан 1992/1993 ўқув йили қабули учун республикада бир қатор олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш тест шаклида амалга оширилди. Бу тадбирларни амалга оширишда Туркия давлатининг тажрибаси ўрганилди. Юқорида келтирилган қарорга асосан 1992 йил апрел ойида ёшларни университетларга танлашда тест синовлари ўтказиш методикаси ва тажрибасини ўзлаштириш учун мутахассисларни Туркияга юбориш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда тест синовларида кўмаклашиш учун Туркия Республикасидан мутахассислар таклиф қилиш масаласини ҳал қилиниши белгиланди². Кенг ўрганишлардан сўнг соҳада амалга оширилган бу ўзгаришлар ёшларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда ижобий натижаларини кўрсатди.

Хусусан, абитуриентларнинг билимларини юқори даражадаги ҳолис баҳолашга эришилди. Тест усулининг соддалиги, саволларнинг абитуриентларга мослиги, имтиҳон натижаларига инсон омилининг таъсир имконияти йўқлиги³ бунга имкон берди.

Бундан ташқари мустақилликдан олдинги йилларда олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида мавжуд камчилик ва муаммолар, ёшлар билимининг ҳаққоний баҳоланмаганлиги туфайли абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари томонидан эътирозлар сонининг ортишига сабаб бўлган эди. Айнан республика бўйича синов-тажриба тариқасида ташкил этилган тест синовлари шундай эътирозлар сонининг камайишига олиб келди. Буни Фарғона водийси вилоятлари олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича тест синовлари якунлари бўйича ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 1992 йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий ўқув юртларига жами 26782 нафар абитуриент ўқишга қабул қилинган бўлиб,

¹ <https://lex.uz/ru/docs/737462> (Хужжат кучини йўқотган 14.05.1994) (18.05.2017)

² <https://lex.uz/ru/docs/737462> (Хужжат кучини йўқотган 14.05.1994) (18.05.2017)

³ ЎзР МДА М-37-фонд, 2-рўйхат, 47-йиғма жилд, 219-варақ.

булардан республика бўйича 12 та олий ўқув юртида 5462 нафар талаба илк бор тест синовлари асосида ўқишга қабул қилинган⁴. Фарғона водийси вилоятларида жойлашган олий таълим муассасалари орасида биринчилардан бўлиб, ФарДУ ҳамда ҚДПИда 1992-1993 ўқув йили учун кириш давлат имтиҳони тест усулида ўтказилди⁵. 1992 йилда биринчи мартаба Фарғона давлат университети ва Қўқон давлат педагогика институтига кира олмаган абитуриентлар орасида тест якунлари бўйича амалда шикоят ва норозиликлар бўлмаган⁶.

1992 йилда талабаларни тест усулида қабул қилишнинг ижобий якунларини эътиборга олиб, олий ўқув юртлари ректорлари кенгашининг тавсияларини ва кенг жамоатчиликнинг истакларини назарда тутиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари учун талабаларни тест усулида танлаш тўғрисида”ги 61-сонли Қарори қабул қилинди⁷. Бу қарорга асосан 1993 йилда республиканинг барча олий ўқув юртларига талабаларни тест усули билан ўқишга қабул қилиш белгиланди.

Ўзбекистонда дастлаб тажриба-синов сифатида ташкил этилган олий таълим муассасаларига тест шаклидаги имтиҳонлар орқали талабалари қабул қилиш амалиётига маъсул этиб Олий ўқув юртларига талабаларни танлаб олиш республика Маркази зиммасига юклатилган бўлиб, бу марказ тест саволларини ҳам тузиш ишларига жавобгар эди. 1993 йилдан бошлаб республикада тест шаклидаги имтиҳонлар амалиётга кенг жорий қилиши, бу борадаги ишлар кўламининг ортишига олиб келди. Бу эса тест саволларини тузиш, уни амалиётга жорий қилиш ва тест натижаларини аниқлаш бу борадаги давлат сиёсатини тўлиқ ва сифатли таъминлаш борасида алоҳида

⁴ ЎзР МДА М-130-фонд, 1-рўйхат, 130-йиғма жилд, 5-варақ.

⁵ Хошимов Ў.Қ. Мустақиллик йилларида Фарғона водийси вилоятларида таълим соҳасидаги ўзгаришлар. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2020. – Б.107.

⁶ ЎзР МДА М-37-фонд, 2-рўйхат, 47-йиғма жилд, 219-варақ.

⁷ <https://lex.uz/ru/docs/559449> (Хужжат кучини йўқотган 22.02.2021)

фаолият юритувчи ташкилот ташкил этиш эҳтиёжини юзага келди. Шуларни инобатга олган ҳолда республика таълим муассасаларига абитуриентларни тест усулида танлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тест маркази ташкил этиш тўғрисида”ги 258-сонли Қарори қабул қилинди⁸. Қарорга асосан олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига абитуриентлар танлаш бўйича Республика маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига айлантирилди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш Давлат тест маркази зиммасига юклатилди.

Республика ва Фарғона водийси вилоятлари олий таълим муассасаларига 1993/1994 ўқув йилидан бошлаб тест усулида ўқишга қабул қилиш биз юқорида санаб ўтган бир қатор ижобий натижаларни берди. Улардан энг асосийси ҳақиқатдан чуқур билимга эга бўлган ёшларни олий таълимга танлаб олиш имконияти яратилганидир.

Юқорида таъкидланганидек тест тизимининг жорий қилиниши дастлабки вақтлардан ёшлар билимига адолат ва холислик мезонлари асосида баҳо беришга имкон берди. Натижада абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарида тест яқунлари бўйича норозилик камайди. Бироқ кейинги йилларида тест синовларини ташкил этиш ва бу борадаги мавжуд бир қатор камчиликлар сабабли тест жараёнлари ва натижаларига бўлган эътирозлар сони ортиб, йиллар кесимида ўртача ота-оналар томонидан 4 мингдан зиёд асосли мурожаатлар⁹ бўлган. Бундай ҳолат ўз навбатида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда тест жараёнларини ташкил этиш, уларни натижаларини эълон қилиш, тест саволлари сифати ва бошқа кўплаб

⁸ <https://www.lex.uz/docs/726048> (22.04.2019)

⁹ <https://lex.uz/docs/3413551> (13.04.2018)

www.pedagoqlar.uz

масалаларга ечим топиш, тест жараёнларини замон талаблари даражасида ташкил этиш заруратини юзага келтирди.

Шуларни инобатга олиб мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш учун олий таълим муассасаларининг бакалавриятига қабул қилиш бўйича ўтказиладиган кириш тест синовларини такомиллаштириш, унинг адолатли, холис ва шаффоф ўтказилишини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги “Республика олий таълим муассасалари бакалавриятига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3389-сон қарори¹⁰ қабул қилинди. Бу қарорга асосан ҳамда олий таълим муассасаларининг бакалавриятига ўқишга қабул қилишда тест синовларини очиқ ва ошқора ўтказиш ҳамда билимли ёшларни ўқишга қабул қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 261-сонли Қарори қабул қилинди. Ва бу ҳуқуқий ҳужжат асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги” Низомга¹¹ мувофиқ эса мутлақо янгича тест жараёнларини ташкил қилиш бўйича меъёрлар белгиланди. Жумладан, тест синовлари икки сменада (биринчи смена соат 08:00 да, иккинчи смена соат 15:00 да) ўтказилиши, абитуриентлар республиканинг қайси ҳудудида жойлашган олий таълим муассасасига ҳужжат топширганидан қабтий назар ўз танлаган ҳудудда тест топшириш, абитуриентлар тўплаган баллари ҳақида тест тоширган куннинг эртасига, ўқишга қабул қилинганлик ёки қилинмаганлик тўғрисида тест жараёнлари яқунлангандан сўнг бир ҳафта ичида Давлат тест

¹⁰ <https://lex.uz/docs/3413551>

¹¹ <https://lex.uz/docs/3646570>

www.pedagoqlar.uz

маркази расмий веб-сайти орқали билишга, шу билан бирга энг муҳимларидан бири тест синовлари Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуаси павильонларида ва унинг ҳудудида ўрнатиладиган кўшимча йиғма павильонларда, шунингдек, катта сиғимдаги бошқа биноларда, вилоят марказларида эса — олимпия захиралари коллежлари ёки бошқа ташкилотларнинг катта сиғимдаги биноларида ўтказилиши¹² белгиланди. Ва юқоридаги келтирилганларнинг барчаси амалиётга жорий қилинди.

Давлат тест маркази томонидан 2020-2021 ўқув йили қабули бўйича тест синовлари ўтказиш бўйича Фарғона вилоятида 6 та, Наманган вилоятида 5 та, Андижон вилоятида 4 та биноларда тест ўтказиш режалаштирган¹³ эди. Бироқ, Коронавирус пандемияси шароитида олий таълим муассасаларига қабул имтиҳонларини республикада эпидемиологик вазият барқарорлашишидан келиб чиқиб, эпидемиологик хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилган ҳолда юқори савияда ташкил этиш масаласи Ўзбекистон республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раҳбарлигида 2020 йил 6 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўриб чиқилди ва тест синовларини республика ҳудудларини марказий стадионларида ҳамда олий таълим муассасаларидаги мавжуд майдонларда 2020 йил 2 сентябрдан бошлаб ўтказилиши белгиланди¹⁴. Тест имтиҳонлари вақти ва жойи билан боғлиқ ўзгаришлар республикадаги эпидемиологик вазият билан боғлиқ бўлди. Бундан ташқари юқоридаги параграфда келтирилганидек, тест тизимини такомиллаштириш ҳамда ёшларни олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имкониятларини ошириш мақсадида абитуриентларга тест имтиҳонлари натижасига қараб табақалаштирилган ҳолда бир нечта олий таълим муассасаларига ўқишга кириш имконияти яратилди. Жумладан, 2020-2021 ўқув йилида бакалаврият

¹² <https://lex.uz/docs/3646570>

¹³ <https://www.gazeta.uz/uz/2020/06/09/exam-buildings/> (24.07.2020)

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жорий архиви. 9.08.2020 . №3/2 Хайъат қарори, 1-варақ.

www.pedaqoqlar.uz

таълим йўналишлари учун 5 тагача имкониятлар берилди¹⁵. Бу кўрсаткич 2019 йилда 3 тани ташкил қилар эди. Бу ҳам тест тизимини замон талабларига мослаштириш ва ривожлантириш барасида амалга оширилган асосий ислохотлардан бири ҳисобланади.

¹⁵ Рахмонов Б. Хорижга чиқиб кетаётган маблағлар мамлакатимизда қолиши учун нима қилиш керак? (<https://yuz.uz/news/xorijga-chiqib-ketayotgan-mablaglar-mamlakatimizda-qolishi-uchun-nima-qilish-kerak>)
www.pedaqoqlar.uz